

Киши бир қавмни яхши кўрса-ю, уларга етиша олмаса



20:22 / 02.07.2017 3872

351. Абу Зарр Ғифорийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Киши бир қавмни яхши кўрса-ю, уларнинг амалларига етиша олмаса (қандай бўлади)?» деб сўрадим.

«Эй Абу Зарр! Сен ўзинг муҳаббат қўйган одамларинг билан биргасан!» дедилар.

«Мен Аллоҳга ва Аллоҳнинг Расулига муҳаббат қўйганман», дедим.

«Эй Абу Зарр! Сен кимга муҳаббат қўйган бўлсанг, ўшалар билан биргасан!» дедилар».

Шарҳ: Демак, ҳар биримиз ана шундай муҳаббат соҳиби бўлишимиз керак. Ҳар бир мўмин-мусулмон банда аввало Аллоҳ таолога, сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйса, бунинг эвазига муҳаббат қўйганлари билан бирга бўлиш бахтига мушарраф бўлади.

Шу билан бирга, бу киши солиҳ, азиз, муҳтарам, дуогўй кишиларга ҳам муҳаббат қўйса, улар билан ҳам бирга бўлиш бахтига эришади.

352. Анасдан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, қиёмат қачон?» деб сўради.

«Сен унга нима тайёрладинг?» дедилар.

«Мен катта нарса тайёрлаганим йўқ. Фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қўйганман, холос», деди.

«Киши муҳаббат қўйгани билан бирга», дедилар.

Анас: «Мусулмонларнинг Исломдан кейин ўша кундагидек шодон бўлганларини кўрмадим», деди».

Шарҳ: Савол сўраган киши билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни эшитган мусулмонлар ниҳоятда хурсанд бўлиб кетишган экан. Ҳазрати Анас мусулмонларнинг бу қадар севинганларини умр бўйи бошқа кўрмаган эканлар. Чунки уларнинг ҳар бирида Аллоҳга ва Аллоҳнинг Расулига нисбатан муҳаббат бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларга шу муҳаббатлари туфайли қиёмат куни Аллоҳ билан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишларини ваъда қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам бу улуғ бир мақомдир, шунинг учун ана шу буюк мақомга эришишга ҳаракат қилишимиз, доимо шундай тушунчада бўлишимиз лозим бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Одоблар ҳазинаси китобидан)